

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 819-ҳадис

819 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ لَبَسَ الْحَرِيرَ فِي الدُّنْيَا لَمْ يَلْبَسْهُ فِي الآخِرَةِ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5832، م 2073].

819. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Ким бу дунёда ипак кийса, охиратда уни зинҳор киймайди**», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадислари эркак кишиларга ипак кийим кийиш мумкин эмаслигининг ишончли далилидир. Бундан охиратда ипак кийим киймоқчи, бошқача қилиб айтганда, жаннатдан жой олмоқчи бўлган эр киши бу дунёда шариат амрига итоат қилиб, мутлақо ипак кийим киймаслиги лозим бўлади. Чунки охиратда ипак кийим кийиш жаннати бўлишининг рамзидир.

Исломда эркак кишига ипак кийимларни кийиш манъ этилганлиги улкан ҳикматга биноандир. Ипак юмшоқ ва нозик нарса бўлиб, у билан муомалада бўлган шахсдан юмшоқлик ва нозикликни талаб қилади. Бинобарин, ипак кийим кийишга ўрганган шахс юмшоқ ва нозик бўлиб қолиши турган гап. Бу эса, ҳақиқий эр кишига мутлақо тўғри келмайди. Мусулмон эркак доимо турли оғирликларни кўтаришга шай турадиган, нозиклик ва зеб-зийнатни ўзига эп кўрмайдиган забардаст кишидир. Шу боисдан ҳам шариат аёлларга атаган ва нозиклик ҳамда зеб-зийнат рамзи бўлган ипак мусулмон эркак учун ҳаром қилинган.

«Умар ибн Хаттоб Жобияда хутба қилди ва: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ипак кийишдан қайтардилар. Фақат икки, уч ёки тўрт панжа миқдорича бўлса, майли», деди». (Имом Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривояти).

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик вақтларида Шомга борганлар. Жобия ҳам Шомдаги бир маконнинг номи. Ҳазрати Умар ўша жойда одамлар олдида қилган хутбаларида, ипак кийим ҳақидаги шариат ҳукмини баён қила туриб, ушбу ривоятда келган гапларни айтган эканлар.

Ушбу ривоятдан кийимга ипакдан ямоқ солинса, белги учун юқорида зикр қилинган миқдорда ипак қўшилса жоиз, деган ҳукм олинган. Бу гапга барча мазҳаблар ва уламо аҳллари иттифоқ қилганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI